


Хаттотдан дунё мусулмонларига эслатма



06:47 / 17.02.2021 1970

Ҳайдарободлик rassom Анил Кумар Чухан йигирма йил вақт мобайнида Ҳиндистондаги шаҳар масжидлари деворларига Қуръон оятларини ёзиб, хаттотлик билан шуғулланиб келади. Бу ҳақда News18 манбасига таяниб, iqna.ir сайти хабар беради.


Рассом Анил Кумарнинг фикрича, бу мусулмонларга тинчлик ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга қаратилган буйруқ ифодаси ва эслатмадир.

Чухан хаттотлик борасидаги дастлабки машғулоти Урду дўконларида реклама тахталарига матн ёзишдан бошлаган. Кейинчалик ушбу тилда ўқишни ва ёзишни ўрганган ва бир нечта масжидларда қилган хаттотлик ишлари кўпчиликни ҳайратга солган.

Шунингдек, у сўнгги 30 йил ичида Урду шаҳридаги Ҳайдарободнинг эски қисмидаги кўплаб дўконларни бўяганини таъкидлайди.

«Аввалига мен урду тилини тушунмасдим ва гапира олмас эдим. Шунинг учун мен мижозларимга тахталарга расм чизишим учун матн ёзишни илтимос қилдим. Шундан кейин мен урду тилини ўрганишга қарор қилдим ва аста-секин тушуна бошладим, гапиришни ва ёзишни ўргандим. Қуръон оятларини ёзиш ишлари бўйича хаттотлик санъатини яхши кўрадиган бир киши менга маслаҳат бериб, масжид деворларига оятлар ёзишни илтимос

қилганидан сўнг бошланди. Кейин «Нур» масжидининг деворларига Қуръон оятларини ёзиш имкониятини беришди. Шу-шу мана орадан 25 йил вақт ўтдики, мен Ҳайдарободдаги бир неча масжид деворларига Қуръондан каллиграфия оятларини ёзим», дея таъкидлайди Чухан.



У масжид деворларига Қуръон оятларини ёзишни бошлаганда, кўпчилик унинг ҳинду эканлигига қарши чиқди. Кейинчалик у Ҳайдарободдаги Ҳарбий Жамият университетида ишлашни давом эттириш учун рухсатнома олди. Чухан Ясин хаттотлик санъатидан фойдаланган ҳолда чизган асарлари ўша университетда намоиш этилди.

Чухан айтади: «Бу мамлакатда ҳиндулар ва мусулмонлар тинч яшашлари керак. Мен ҳинду бўлсам-да, масжид деворларига Қуръон оятларини ёзганимдан жуда хурсандман. Мен деярли ўттиз йилдан бери ишлайман ва ҳеч қандай муаммоларга дуч келмадим».

Хуршид Маъруф тайёрлади